

**«Тошкент кишлок хужалиги махсулотлари улгуржи бозори»
АЖ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ
НАВБАТДАГИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ БАЁНИ**

2022 йил 1 апрел

Тошкент шаҳри

Овоз берувчи акциялар сони: 1 220 689

Акциядорларнинг 2021 молиявий йил якуни бўйича умумий йиғилиши Тошкент шаҳар Бектемир тумани Тошкент автомобил халка йули манзилида, жамиятнинг маъмурий биносидан 2022 йил 1 апрел куни ўтказилди. Йиғилишда 1151768 дона овозга эга 14 та акциядор қатнашди, бу жами акциядорларнинг 94,35 % ни ташкил этади, йиғилиш ўтказиш ҳуқуқига эга.

Тошкент шаҳар ҳокимияти номидан ишончнома асосида Ганиев Дилмурод Иркинович қатнашди.

Йиғилиш раёсатига бир овоздан қуйидагилар сайландилар:

Камолов Т.К. – -Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК бош мутахасиси.

Ганиев Д.И. –Марказнинг “Деҳқон бозорлари департаменти” бошлиғи ўринбосари.

О.Джумаев – «Тошкент кишлок хужалик махсулотлари улгуржи бозори» АЖ директори в.б

Йиғилиш котибиятига бир овоздан қуйидагилар сайландилар:

Абдурахмонова И.Ф.

Йиғилиш санок ҳайъатига қуйидаги ходимлар сайландилар:

Авелов Ж., Шайдуллаева Г. Бойбутаева К.

Йиғилишга жамият кузатув кенгашининг аъзоси Камолов Толмас Каримович раислик қилди.

Йиғилиш кун тартиби:

1. *Жамият ижроия органи ва кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботини, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш.*
2. *Жамиятнинг 2021 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текшируви хулосасини кўриб чиқиш.*
3. *Жамият тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан хулосалари.*
4. *Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.*
5. *Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича фойда ва зарарлари ҳисоб варагини тасдиқлаш, унинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш.*
6. *Жамиятнинг 2022 йилга мўлжалланган «Бизнес-режаси»ни, ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси”ни тасдиқлаш.*
7. *Жамият директорини сайлаш ҳақида.*
8. *Жамиятнинг Кузатув кенгашини сайлаш.*
9. *Жамиятнинг Тафтиш комиссиясини сайлаш.*
10. *Жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.*
11. *Жамиятнинг 2022 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш.*
12. *Жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритиш ва тасдиқлаш.*

Йиғилиш регламенти қуйидагича тасдиқланди:

Асосий масалаларга 10 минутгача.

Сўзга чиқувчиларга 5 минутгача.

Йиғилиш кун тартибидаги **биринчи** масала бўйича жамият директори в.б. О.Джумабоевнинг хисоботи тингланди. 2021 йил якуни бўйича амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқлар ва мавжуд камчиликлар, 2021 йилга режалаштирилган ишлар ҳақида хисобот берди, жумладан жамиятнинг 2021 йилга белгиланган жаъми даромадлари режаси 15.850.000,0 м.сум бўлиб, шу жумладан жой ҳақи режаси 6.232.600 м.сум, хизмат ҳақи режаси 2698400 м.сум, ижара ҳақи режаси 6919000 м.сум ташкил қилгани, ҳақиқатда жаъми даромадлар 17650663 м.сум ташкил қилгани, шу жумладан жой ҳақи даромади 6828729 м.сумни, хизмат ҳақи 3524196 м.сумни, ижара даромади 6975813 м.сумни, бошқа даромадлар 14281,0 м.сумни ташкил қилганлигини билдирди. Жамият раҳбари в.б жамиятнинг молиявий кўрсаткичлари тўғрисида тўлиқ хисобот берди, бажарилган ишларни айтиб ўтди.

Берилган саволларга маърузачилар жавоб берганларидан сўнг, раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **иккинчи** масала бўйича «AUDIT-RUMANS» МЧЖ аудиторлик компаниясининг 2021 йил якуни бўйича ўтказилган аудит текшируви хулосасини жамият бош ҳисобчиси Каримов А.Д. ўқиб эшиттирди, жумладан, аудит текшируви натижасига кўра, жамият молиявий ва хўжалик фаолияти, ҳамда бухгалтерия хисоботлари Ўзбекистон Республикасидаги бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келиши ҳақидаги 2022 йил 7 март №ДО/21- сонли ижобий хулоса берилгани ҳақида маълумот берди (аудиторлик текшируви хулосаси илова қилинади).

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **учинчи** масала бўйича жамиятнинг тафтиш комиссияси раиси Б.Абдухаликова йиғилишда иштирок эта олмаганлиги сабабли, тафтиш комиссияси хулосасини жамият бош ҳисобчиси Каримов А.Д. йиғилганларга ўқиб эшиттирди, жумладан, жамият тафтиш комиссияси томонидан амалга оширилган тафтишга ҳамда жамият ташқи аудитори «AUDIT-RUMANS» МЧЖнинг 2022 йил 7 мартдаги ижобий аудиторлик хулосасига асосланиб:

- жамиятнинг хисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигини;
- афилланган шахслар билан битимлар, шунингдек йирик битимлар тўзилмаганлигини эътироф этишини маълум қилди. (тафтиш хайъатининг хулосаси илова қилинади).

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **тўртинчи** масала бўйича жамият бош мухосиби Каримов А.Д.сўзга чиқиб, жамиятнинг 2021 йил якуний баланси юзасидан тўлиқ хисобот берди.

Бухгалтерия баланси (минг.сўмда)

АКТИВ		ПАССИВ	
Асосий воситалар	35891724.8	Устав капитали	1806575,3
Узоқ муддатли инвестициялар	24139,4	Резерв капитали	5785114.4
Товар моддий захиралари	58041.2	Тақсимланмаган софойда	3457262.8
Дебиторлар	2514568.6	Мақсадли тушумлар	32475493.8

Пул маблаглари	5391480.4	Жорий кредиторл қарзлар	355508.1
ЖАМИ	43879954.4	ЖАМИ	43879954.4
		СОФ ФОЙДА	3457262.8

Раислик қилувчи акциядорлардан кўрилган масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **бешинчи** масала юзасидан жамият бош ҳисобчиси Каримов А.Д. сўзга чиқиб, 2021 йил якунлари бўйича 3457262.8 м.сум соф фойда олинган бўлиб, қуйидагича тақсимлашни таклиф қилди.

-жамият захира жамғармасига 5% - 172.863,15 м.с., кузатув кенгаши аъзоларига- 54.500,0 м.с., акциядорларга дивиденд тўлови 2.731.237,77 м.с, жамиятнинг ходимларини йил якуни бўйича жамиятда эришилган натижаларга уларнинг қўшган муносиб ҳиссаларига мувофиқ мукофотлашга- 498662,08 минг сум.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **олтинчи** масала бўйича жамият бош ҳисобчиси Каримов А.Д. сўзга чиқиб, 2022 йил учун тайёрланган «Бизнес-режаси» ва «Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси» билан йиғилганларни таништирди, «БИЗНЕС РЕЖА»да жамиятнинг 2022 йилда амалга ошириладиган ишлари, жамиятнинг молиявий нуфузини янада ошириш ва йил якуни бўйича дивидендлар салоҳиятини ошириш, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш ва кўшимча даромадлар манбаини ташкил этиш йулларини ахтариш кўрсатилганини билдирди, («Бизнес-режа», «Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси» тўлалигича илова қилинади).

А.Джуроев ўз сўзида 2022 йилда ер солиғи, мулк солиғи бўйича ўзгаришлар бўлганлиги сабабли, солиқлар миқдори ошганлиги, бугунги кунда солиқларни оптималлаштириш юзасидан ишлар олиб борилаётганлиги айтиб, сметада айрим ўзгаришлар бўлиши мумкинлигини маълум қилди.

Маърузачининг берилган саволларга жавобидан сўнг, раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **еттинчи** масала бўйича раислик қилувчи жамият кузатув кенгашининг 2021 йил 14 декабрдаги йиғилиш қарорига мувофиқ жамият директори вазифасини бажарувчи этиб Джумаев Отабек Равшанович тайинлангани, жамият Кузатув кенгаши томонидан жамият директори вазифасини бажарувчи О.Джумаевнинг 2021 йил якуни бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилингани ва жамият Кузатув кенгашининг жамият директори вазифасини бажарувчи О.Джумаев номзодига берилган ижобий ҳулосасини, жамият директори лавозимига ўрнатилган тартибда танлов эълон қилинганлиги, танлов натижасига кўра битта Джумаев Отабек Равшанович ариза тушганлигини инobatга олиб, амалдаги қонунчиликка мувофиқ акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишида Джумаев Отабек Равшановични сайлаш масаласини акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишида тасдиқлаш учун овоз бериш бюллетенларига киритиш таклифи берилганлигини билдирди ва йиғилиш қатнашчиларини ушбу таклиф билан таништирди.

Мазкур масала юзасидан О.Джумаев сўзга чиқиб, аввалига жамият раҳбарлиги учун номзодини кўрсатганлиги, лекин бугунги кундаги ўзининг шахсий сабабларига кўра жамиятда директорлик лавозимида қола олмаслигин илтимос қилиб ўтди.

Кун тартибидаги масала юзасидан савол-жавоблардан сўнг мажлис раиси акциядорлардан овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **саккизинчи** масалага ўтиб, 2021 йилда жамиятнинг Кузатув Кенгаши аъзолигига номзодлар тарқатилган овоз бериш бюллетенларида келтирилганлигини билдириб, акциядорлардан ушбу масала бўйича кумулятив овоз бериш йўли билан овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **тўққизинчи** масалага ўтиб, жамиятнинг Тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар тарқатилган овоз бериш бюллетенларида келтирилганлигини билдириб, акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **ўнинчи** масала бўйича жамият бош ҳисобчиси Каримов А.Д сўзга чиқиб, жамиятнинг ташкилий тузилмаси жамият акциядорларининг 2021 йил 26 мартдаги умумий йиғилиш қарори билан тасдиқланганлиги, бугунги кунга келиб, жамиятнинг ташкилий тузилмасига киритилган тегишли ўзгартиришлар билан таништирди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **ўн биринчи** масала бўйича жамиятнинг қимматли қоғозлар бўйича мутахассиси И.Абдурахманова сўзга чиқиб, «FTF-LEA-AUDIT» МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари бўйича хулосаси билан таништирди.

(«FTF-LEA-AUDIT» МЧЖнинг хулосаси илова қилинади)

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибининг **ўн иккинчи** масала юзасидан жамият қимматли коғозлар мутахассиси И.Абдурахманова сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 сентябрдаги «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида» ги 475-сонли қарорига мувофиқ устав жамғармасида давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташқи аудитни ўтказиш учун аудитор ташкилотини танлашда Молия Вазирлиги ва Мулк кўмитаси томонидан белгиланган рўйхат бўйича танлов асосида қабул қилиниши боис жамият томонидан музокара олиб борган «AUDIT-RUMANS» МЧЖ ва «EXPERT-AUDIT» МЧЖ аудиторлик компаниялари эканлиги ва улар ўз хизмат ҳақларини «Баланс информ аудит» МЧЖ – 12.000,0 минг сум, «Аудит руманс» МЧЖ – 9.200,0 минг сўм деб белгилаганликларини айтиб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Раислик қилувчи умумий йиғилиш кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилганини айтиб, овоз бериш натижалари санок хайъати томонидан аниқлангунга қадар танаффус эълон қилди.

(танаффусдан сўнг)

Санок хайъати мажлис қатнашчиларини овоз бериш натижалари билан таништирди.

1-масала	2-масала	3-масала
Ёклаган 1151768–100%	Ёклаган 1151768–100%	Ёклаган 1151768–100%
Бетараф 0 – 0,0%	Бетараф 0 – 0,0%	Бетараф 0 – 0,0%
Қарши 0 – 0,0%	Қарши 0 – 0,0%	Қарши 0 – 0,0%
4-масала	5-масала	6-масала
Ёклаган 1151768–100%	Ёклаган 1151768–100%	Ёклаган 1151768–100%
Бетараф 0 – 0,0%	Бетараф 0 – 0,0%	Бетараф 0 – 0,0%
Қарши 0 – 0,0%	Қарши 0 – 0,0%	Қарши 0 – 0,0%
7-масала		

Джумаев Отабек Равшанович - Ёқлаган 0–0%, Бетараф 0 – 0,0%, Қарши 1151768 – 0,0%		
8-масала (Кумулятив овоз бериш натижалари)		
8.1. Ирматов Мурод Абдукахарович		1151768 - та овоз
8.2. Раззоков Ахад Анварович		1151768 - та овоз
8.3. Ганиев Дилмурод Иркинович		1151768 - та овоз
8.4. Абдурахмонов Музаффар Мирзарахимович		1151768 - та овоз
8.5. Камолов Толмас Каримович		1151768 - та овоз
10-масала	11-масала	12-масала
Ёқлаган 1151768–100%	Ёқлаган 1151768–100%	Ёқлаган 1151768–100%
Бетараф 0 – 0,0%	Бетараф 0 – 0,0%	Бетараф 0 – 0,0%
Қарши 0 – 0,0%	Қарши 0 – 0,0%	Қарши 0 – 0,0%

Раислик қилувчи кун тартибидаги барча масалалар кўпчилик овоз билан қабул қилинганини билдирди. Санок ҳайъати баённомаси бир овоздан тасдиқланди.

КУН ТАРТИБИДАГИ БАРЧА МАСАЛАЛАР АТРОФЛИЧА МУХОКАМА ҚИЛИНИБ ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. «Тошкент қишлоқ хўжалик махсулотлари улгуржи бозори» АЖ ижроия органи ва кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботи, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари тасдиқлансин. (ёқлаган 1151768 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

2. Жамиятнинг 2021 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текширувига мувофиқ ижобий аудиторлик хулосаси инobatга олинсин. (ёқлаган 1151768 та овоз – 100%, қарши–йўқ, бетараф –йўқ).

3. Жамият Тафтиш комиссиясининг хулосаси инobatга олинсин ва тасдиқлансин. (ёқлаган 1151768 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

4. Жамиятнинг 2021 йил фаолияти якуни бўйича йиллик ҳисоботи инobatга олинсин ва тасдиқлансин. (ёқлаган 1151768 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

5. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича олинган 3457262.8 м.сум соф фойдасидан жамият захира жамғармасига 5% - 172.863,15 м.с., кузатув кенгаши аъзоларига- 54.500,0 м.с., акциядорларга дивиденд тўлови 2.731.237,77 м.с, жамиятнинг ходимларини йил якуни бўйича жамиятда эришилган натижаларга уларнинг қўшган муносиб ҳиссаларига мувофиқ мукофотлашга- 498662,08 минг сум ажратилсин ва тасдиқлансин. (ёқлаган 1151768 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

6. Жамиятнинг 2022 йилга мўлжалланган «Бизнес-режа»си ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” иловага мувофиқ тасдиқлансин. Жамият ижроия органига «Бизнес режа» параметрларини тўлиқ бажариш чораларини кўриш юклатилсин. (ёқлаган 1151768 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

7. Жамият директорлигига кўрсатилган О.Джумабоевнинг номзоди бўйича етарли овоз бўлмаганлиги сабабли тасдиқланмади. (ёқлаган 0 та овоз – 0%, қарши – 1151768 та овоз-100%, бетараф – йўқ).

8. Жамият Кузатув Кенгаши аъзолигига кумулятив овоз бериш йўли билан куйидагилар сайлансин:

8.1. Ирматов Мурод Абдукахарович	1151768 - та овоз
8.2. Раззоков Ахад Анварович	1151768 - та овоз
8.3. Ганиев Дилмурод Иркинович	1151768 - та овоз
8.4. Абдурахмонов Музаффар Мирзарахимович	1151768- та овоз
8.5. Камолов Толмас Каримович	1151768- та овоз

9. Жамият Тафтиш комиссиясига Ким Олег Викторович, Шайдуллаев Юлдаш Тафтанович, Асрарова Карима Абдурахимовналар сайлансин. (ёқлаган 1151768 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

10. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига киритилаётган ўзгартиришлар маъқуллансин ва қайта тасдиқлансин. (ёқлаган- 1151768 та овоз – 0,0%, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

11. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича «FTF-LEA-AUDIT» МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари тасдиқлансин (ёқлаган 1151768 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

12. «Тошкент кишлок хужалик махсулотлари улгуржи бозори» АЖ нинг 2022 йил иш фаолияти учун жамият Аудитори этиб, «AUDIT-RUMANS» аудиторлик компанияси тасдиқлансин ва хизмат ҳақининг энг куп микдори 9.200.000 сўм деб белгилансин. (ёқлаган-1151768 та овоз – 0,0%, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

Баённома имзоланган сана: « 6 » Орден 2022 йил.

Йиғилиш раиси

Т.К.Камолов

Котиб

И.Абдурахманова